

бошқача таассурот қолдиради. Бир-бирини аввал күрган, билган бўлсалар-да, Йўлчи билан Гулнор ҳам одоб юзасидан бир-бирига қарамайдилар ва сўзлашмайдилар. «Паранжига ўралган Гулнор атрофидаги нарсаларни онасига кўрсатиб, титроқ овоз билан сўзлар, лекин Йўлчига сўзлашга ботинмас, сўзлашув учун бирон баҳона, сабаб қидиришга тиришар эди.»

Манзилга етиб келишгач, қулай фурсат туғилиб, севишган диллар бир-бирига талпинди. «Зеби...тандриқиши назари билан унга (Ўлмасежонга -Й.С.) қаради. Аравакаш юмшоққина кулимсиради. Ёш йигитнинг бу ёш, ширин табассумини ой ёруғида алайна кўра олган қиз бутун баданларидан мулойимгина дуркираш кечганини пайқади ва қизарип тескари қаради...» Аравадан кўчни туширганларидан кейин ариқ бўйида юз-қўлларини артиб турган Йўлчини кўриб «Гулнорнинг юраги кучли тўлқинланди, бутун гавдасини тотли бир титроқ босди.» Зеби бундай учрашувни кутмаганди. Бунинг устига йигит киши билан биринчи марта шунлай ҳолат юз беряпти, шунинг учун унинг вужудида «мулойимгина дуркираш» кечади ва уялиб қизаради. Гулнор Йўлчини севади, бу икковига ҳам маълум. Қиз учрашувни орзиқиб кутганди, ниятига етганидан «юраги кучли тўлқинланди.» Пайтдан фойдаланиб ҳар иккала жуфт севишганларнинг қўллари чирмашди ва Ўлмасежоннинг «кучли қўллари уни (Зебининг қўлларини -Й.С.) маҳкам ушлаб, кампирнинг бошидан пастроқ туширди ва иккала ёш шу бўйича турган жойларида туриб қолдилар...» Йўлчи эса «титроқ қўллари билан Гулнорнинг соchlарини аста силади. Ҳар иккисининг кўзлари ёш ва кучли муҳаббатнинг чуқур маъноси, нашъаси ва самимияти билан бир-бирига узоқ тикилди.»

Чўлпонда ҳам, Ойбекда ҳам шоирона рух кучли. Шунинг учун улар тасвирда поэтик воситаларни мўл-кўл қўллайдилар, уларнинг вазифасини кучайтирадилар. Ўлмасежонга нисбатан Чўлпон «ёш йигит, ширин табассум, кучли қўллар», Зебига эса «мулойим дуркираш, қизариш» каби сифатларни раво кўради. Ойбек йигит-қиздаги оний ҳаяжонни янада бурттириброк кўрсатиш ниятида «титроқ» истилосига алоҳида уруғ беради. Гулнорнинг бадани титраса, Йўлчининг қўллари титрайди. Чўлпонга йигитнинг қўллари кучли кўринса, Ойбек учун нафақат севишганларнинг «юраги кучли тўлқинланди», балки уларнинг муҳаббати ҳам кучлидир. Бу «кучли муҳаббатнинг чуқур маъноси, нашъаси ва самимияти» бор. Кетма-кет қўлланилган бу сифатлашлар ўқувчига катта завқ бағишлилади.

Кўринадики, Ойбек поэтик тасвир воситаларининг хизмат доирасини насрда устозларига қараганда бирмунча кенгайтирди. Агар шеъриятда бу тасвир воситалари обьектни куйлашга, гўзалликни мадҳ этишга хизмат қилдирилган бўлса, насрий асарларида ёзувчи улардан образлиликини вужудга келтириш, характерларнинг ички дунёсини очиш, унинг ривожини таъминлаш, асар тоғасини тўлароқ ифодалаш учун фойдаланди. Бу фазилатлар Ойбек услугбининг бош хусусиятига айланиб қолганлигини бошқа асарлари ҳам таедиқлайди.

АДАБИЁТЛАР

[1]. Чўлпон. Яна олдим созимни. Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. 37-42-б.; [2]. Ойбек. Асарлар. 10 томлик, З-том. Т.: F.Ғулом номидаги баданий адабиёт нашриёти. 1969. 162-164-б.

Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси.

Қабул қилинди:
28.04.2005.

УДК: 894.375. (092).

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ЛИРИК ИФОДАНИНГ НОЛНЪАНАВИЙ
ҚИРРАЛАРИ

Х.Жўраев

В статье рассматривается нетрадиционные свойства и лирического изображения литературного наследия Алишера Навои, анализируется новаторство поэта.

This article is about non-traditional features of lyrical image in literary heritage of Alisher Navoiy. The innovation of the poet is analyzed by means of characteristic examples.

Нафақат ўзбек, балки бутун Шарқ адабиётида энг кўп мурожаат қилинадиган адабий қаҳрамонлардан бири Мажнундир. Алишер Навоий ҳам ўз ғазаларида ушбу образга кўп марта мурожаат қилган. Шоирга ўз лирик қаҳрамонининг кайфияти ва руҳий ҳолати, қисмати ва психологияк қирраларини ёритишида Мажнун образи баъзан ўхшатиш, кўпинча эса талмех воситасида ёрдамга келади. Мажнун саргузаштлари, ишқ йўлида чеккан уқубатлари аслида афсонавий тарзда тасвирлансанда, Навоий лирик қаҳрамони баъзан ўхшатишини гулувв (гротеск) даражасига кўтаради. Аммо шоир ўз муболагасида, қай даражада бўлмасин, муайян ҳаётни заминга, бадий ҳақиқатга таянгани учун унинг ўта муболагаси ҳам бизни ишонтиради. Мажнун-ку, ҳар қалай, вафот этгач, Лайли ёнидан ўзига абадий маскан топа олди. Аммо Навоий лирик қаҳрамони бўлган ошиқ шу баҳтдан ҳам маҳрум:

*Лаҳад кунжин ватан айлаб, тинибтур умридин Мажнун,
Не бўлса, мен киби овораи бехонумон эрмас.*

ХМ. 1. 227-ғазал.

Гап шундаки, Навоий лирик қаҳрамони ўз руҳий кечинмаларини янада ёрқинлаштириш ва бўрттириш мақсадида Мажнун ҳамда Фарҳод тимсолларини ўзидан паст қўяди. Ишқ йўли осон қатъ этиладиган йўллардан эмас. Олий мақсад – ёр васлига етмоқ учун турли машаққатларни зиммага олиш, ҳар қандай қийинчиликлардан мардонавор ўта билишдир. Навоийнинг лирик қаҳрамони – ошиқ ана шундай машаққатли довонлар ва инновлардан ўтиб бораверади, Фарҳод билан Мажнун эса:

*Қолди аввал тоз аро Фарҳоду, Мажнун дашт аро,
Ишқ йўлида манга икки ажаб йўлдош эрур.*

ХМ. 11. 197-ғазал.

Демак, бадий санъатларни, хусусан, маълум ва машхур шахсларни талмех санъатида келтиришда Алишер Навоий услубинга хос хусусиятлардан бири шуки, бу санъат таъриф-тавсифнинг баландпарвоз ифодасига эмас, маъно ва ғоянинг теранлашувига йўналтирилади. Яна таъкидлаймиз: биз мисол келтираётган Фарҳод, Мажнун сингари адабий қаҳрамонларни талмех санъати орқали келтириш шоир даври учун янгилик эмас, балки изчил тус олган анъанавий образлардир. Айнан изчил анъанавийлик натижасида Шарқ шеъриятида ҳар икки қаҳрамон деярли барча ижодкорлар қаламида маълум хусусиятлари: Фарҳод ишқ йўлида ғампешалик рамзи, Мажнун эса ҳижрон дардида дашту биёбон саргардони сифатида тақрор-тақрор гавдалантирилаверади. Бу, бир томондан, ҳар қандай шоирнинг қалб кечинмаси, ифодаламоқчи бўлган лирик ҳолати баёнини осонлаштиради, иккичи, масаланинг манфий томони эса, бадий саёзлик, қайтариқ касб этади. Мисолларга эътибор беринг:

Гадоий:

*Деса бўлнас, Гадо, ҳар бўлҳавасни ошиқ,
Ҳадиси «Ҳисрави Ширин» гараз Фарҳод эмиши, билдук,*

Лутфийда:

*Шаккар лабидан ким тиласа шарбати Ширин,
Ҳасрати била Фарҳод киби ұлгуси ноком.*

Яна Гадоийдан:

*Ишқидин ҳосид мени гар манъ этар, маъзур эрур,
Ори билмаслар чу Мажнун дарду ҳолин соглар.*

Шу мазмун Лутфийда:

*Интизори йўли устида қўюб кетти кўзунг,
Бизни ул Лайли сифатлик мисли Мажнун айлади.*

Ниҳоят, Саққокий анъанавийлик схематизм ва шаблон даражасига етганини, бу ҳақда шоирлар янги гап айти олмай қолганликларини қўйидагича эътироф этади:

*Биздан эшиштсун эмди жаҳон тоза қиссалар,
Чун күхна бўлди Лайлию Мажнун ҳикояти.*

Дарҳақиқат, анъанавийликнинг мустаҳкам қолиллари чегарасида янги поэтик фикрни ифодалаш, янги гап айтиш сўз санъаткоридан дақиқбинликни, тўйғун кузатувчанлик ва теран мушоҳадани тараб этади. Эҳтимол, шунинг учун бўлса, керак, ўз даврининг тан олинган устод санъаткорларидан Гадой ижодида Фарҳод образи иштирок этган талмех, қўлимиздаги мавжуд девонга таянадиган бўлсак, фақат бир жойда, Мажнун образи атиги икки ўриндагина учрайди. Ҳатто маликул калом Лутфий ҳам мазкур адабий қаҳрамонларни саноқли ғазалларидагина тилга олиб ўтади, холос. Алишер Навоийнинг «Хазоин-ул маоний» сидан эса мазкур образларга мурожаат қилиб яратилган талмех намуналарини юзлаб келтириш мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, бундай бадиий лавҳаларнинг аксариятида янги поэтик мушоҳадалар, лирик лавҳа ва манзаралар ўз аксини топган, уларнинг аксарияти бадиий кашфиёт, адабий-эстетик топилдиқ сифатида диққатга сазовордир.

Талмех санъатини қўллашда навоиёна усууллардан яна бир шуки, шоир мазкур санъат материали бўлган шахс ёки у билан боғлиқ маълум ва машҳур ҳодисага урғу бериб, уни тақорлайвермайди. Балки ана шу ҳодиса лирик баён ва ифода таркибига сингдириб юборилади. Биз ана шу ўринларни мутолаа қилганимизда эса шоир нимага ёки кимга мурожаат қилаётганини ички тўйғу ва шууримиз билан илғаб оламиз. Қуйидаги мисолда талмех санъатини қўллашдаги ана шундай ўзига хосликка эътибор берайлик:

*Носиҳо, қилма, жадал, айрил кийиклардин дебон,
Олими шаҳр этмагай гули биёбон бирла унс.*

ХМ. I. 90-фазал

Байти ўқиганимизда, гарчи Мажнун исми тилга олинмаган бўлса ҳам, кўз олдимизга беихтиёр саҳрова маскан тутиб, ваҳшийлар билан дўст тутинган саргардон Мажнун келади. Масала шу билангина чекланса, байтнинг, умуман, шеърнинг бадиий-эстетик қиммати бу қадар юксек бўлмаган бўлур эди. Гап шундаки, ишқ-кўнгил иши, уни хирад билан, ақлу дониш билан йўлга солиш имкони йўқ. Мажнуннинг қалби ишқ измида, унинг ҳолати, руҳиятини ақлу идрок билан ҳис қилиб бўлмайди. Навоийнинг бошқа бир ғазалида ана шу ҳолатни мантиқан асослайдиган байт мавжуд:

*Ақлким, барча хирад аҳлига эрур устод,
Бўлди шиқ абжади таълимимда тифли мактаб.*

XX асрнинг машҳур шоирларидан С. Есенин ҳам қалб түрғёнларини идрок билан тизгинлашга ҳаракат қилувчиларга қарата «Уларнинг идроки қалбига ҳоким» деганида шуни назарда тутган эди.

Навоийдан яна бир характерли мисол:

*Кийик чарми заиф эгнимига мажнунлиг нишони бас,
Жунун тоши синуқ бошим узра қуни ошиёни бас.*

ХМ. I. 225-фазал.

Машҳур ривоятга кўра (Бу ривоят Абдураҳмон Жомийнинг «Лайли ва Мажнун» достонидан ҳам ўрин олган), Лайли Мажнун билан учрашувга чиққанида ота-онаси уни ҷақириб қолади. «Мен ҳозир келаман» дега кетган Лайли ота-онаси билан бошқа жойга кўчиб кетаётганилиги учун бир неча ойгача қайта олмайди. Мажнун ойлар давомида Лайлини кутади. Жойида қимириламай туравергани учун қушлар уни дараҳт гумон қилиб, бошига ошён қурадилар. Юқоридаги байтда ана шу ҳодисага ишора борки, шоир бир олам маънони байт замирига зиддан сингдириб юборган.

Кўринадики, Навоий шеъриятида лирик фикр-мушоҳада бадиий санъат қолипига зўраки мослаштирилмайди, аниқроғи, шоир ўз олдига шакл унсури бўлмиш бадиий санъатнинг мукаммал кўрининшини яратишни мақсад қилиб қўймайди, аксинча, асар мундарижаси, мазмун-моҳияти ўзига хос ва мос бўлган шаклда, бадиий санъат либосида намоён бўлади.

Қуйидаги байтда эса ҳажрнинг узун шомини афсона-эртак эшитиб кечирадиган Баҳром қисмати лирик қаҳрамоннинг шарҳи ҳоли билан

үйғунлашиб кетади. Натижада талмехнинг Навоий салафлари ва замондошлари ижодида учрамайдиган янги қўринишининг гувоҳи бўламиз:

*Шоми ҳажрим шарҳи элни беҳуд этса, не ажаб,
Уйқу келтурмакдур хосияти афсонанинг*

ХМ.1. 348-ғазал.

Бадиий санъатларни, хусусан, талмех санъатини қўллашда Навоий ижодига хос яна бир хусусиятга ургу бермоқ керак. Бадиий санъатлардаги изчил анъанавийлик кўп ҳолларда тематик маҳдудликни, бир ёқламаликни келтириб чиқаради. Ҳофиз Таниш Бухорий ана шундай ҳолдан ташвишланиб ёзган эди: «Баъзилар сўзни тарсе ва тажнис асосига қўядилар ва сўзнинг юзини шулар билан безайдилар. Натижада саҳни кент бўлиши лозим бўлган сўзларда бир неча қадам босиб қайтилади. (Натижада) жилови қўйиб юборилган баён отининг чавандози жавлон қилишга мажоли қолмайди ва гап майдонидаги чавандоз беихтиёр йиқилиб тушади» [1].

Алишер Навоий шунинг учун ҳам бадиий санъатларни қўллашда бир қолипга тушиб қолиш, тахайюл ва тафаккур парвозини чеклаб қўйишининг олдини олиш мақсадида, муайян санъатлардан нафақат ишқий-лирик кечинмалар баёнида, балки ахлоқий-фалсафий, ижтимоий-маънавий, қолаверса, руҳий-биографик қарашлар ва ҳолатлар ифодасида ҳам фойдаланади. Бу ҳол унинг лирик мерос асрлардан буён маҳорат мактаби бўлиб келаётганинг етакчи омилларидан биридир.

АДАБИЁТЛАР

[1]. Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. Абдулланома. (Шарафномаи Шоҳий). 1-жилд. Т.: «Фан» нашриёти, 1966., 48-б.

Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси.

Қабул қилинди:
08.06.2005.

УДК: 398.2 (қ512.1).

ҚАРҒИШЛАРДА ҮЛИМ ИФОДАСИ

Д.Ўраева

В статье анализируются своеобразные особенности проклятия на теме смерть и их генетические основы, некоторые поэтические признаки, этапы развития.

In article is analyzed the peculiar features of damnation on the theme of death and their genetic bases, some poetic signs, stages of development.

Қадимги инсонлар сўзнинг магик қудратига ишонганлар. Яхши сўз эзгуликка, ёмон сўз эса ёвузликка етаклайди, деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун ҳалқ орасида "Яхши сўз - жон озиғи, ёмон сўз - бош қозиги" "деган мақол юради.

Ўзбек фольклори жанрлари орасида сўз сөхрига асосланувчи маҳсус жанрлар бор. Улардан бири қарғишидир. Асосида инсонга ёмонлик, үлим тилаш мақсади ётувчи ушбу жанр ўзбек фольклорининг мустақил, қадимий, анъанавий жанрларидан бири саналади.

"Қарғиши" атамаси қадимги туркча "қар" феъли [1] ўзагидан ясалган бўлиб, "қарға"- иккинчи шахс буйруқ майли қўнимчасини олган шаклида «йўлиқтирил, лаънат ўқи» маъноларини ифода этади [2] ва ҳалқ орасида "қарға +ш", "қарға +моқ", "қарға +н +моқ" шаклида ҳаракат номи қўринишларида учрайди. «Лаънат» сўзи арабча инсу жине, шайтон сўзининг кўплиги бўлиб, лаънат ўқиши билан уларни сўз ёрдамида чақириш ҳаракати кўзда тутилади.

Қадимги туркий ҳалқлар орасида қарғиши айтиш (лаънат ўқиши) билан ёвуз мифик мавжудотларга мурожаат этиб чақириш ва улар кўмагида бирор ёмонликни амалга ошириш ишончи мавжуд бўлган.

Қадимги турк қавмлари қарғиши жонли мифик мавжудот қиёфасида тасаввур қилишган. Шунинг учун унга нисбатан "тегади", "уради", "тутади", "ұтади" каби жонли ҳаракат номлари қўлланилади: "Жин ургур", "Альастига